

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОДЖАЕВ САРДОР БАХОДИРОВИЧ**

**ИННОВАЦИЯ ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК**  
**АСОСЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**УЎК: 001.895:1(575.1)**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy(PhD) on  
philosophical sciences**

**Ходжаев Сардор Баходирович**

Инновация фалсафаси ва унинг илмий-методологик асослари ..... 3

**Ходжаев Сардор Баходирович**

Философия инновации и ее научно-методологические основы..... 21

**Khodjaev Sardor Bahodirovich**

Philosophy of innovation and its scientific and methodological foundations  
the development of society ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОДЖАЕВ САРДОР БАХОДИРОВИЧ**

**ИННОВАЦИЯ ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК**  
**АСОСЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fal424 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хажиева Мақсуда Султановна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хусейнова Абира Амановна**  
фалсафа фанлар доктори, профессор

**Саидқасимов Акбар Исахонович**  
фалсафа фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Наврўзова Г. Н.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шарипов А. З.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари доктори, доцент

**Саломова Ҳ. Ю.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги илғор давлатлар тажрибаси ва тараққиёт йўли демократик кадриятларни қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш, ижтимоий борлиқни модернизациялаш ва инновацион ривожланишни стратегик мақсад қилиб қўйиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Бозор иқтисодиёти, демократия ва ижтимоий борлиқ динамик ҳодисалар сифатида кишиларнинг қизиқиш ва манфаатларини ранг-баранглаштиради, истеъмолчилар учун зарур янги-янги товарларни ва хизмат турларини яратади, бу эса, ўз навбатида, инновацияни объектив заруратга айлантirmoқда. Хусусан, инновацияларнинг сциентив ва ижтимоий-маданий моҳиятини очиб бериш, жамият, социум ҳаётини илмий-технологик такомиллаштириш ҳамда янги инновацион муҳитни шакллантириш, креатив фаол ёшларни тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фани, илмий марказлар, тадқиқот институтларида модернизация ва инновация муаммолари, инновациянинг иқтисодий ва илмий-техник, жамият ҳаётининг алоҳида феномени сифатидаги жиҳатларини очиб беришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, инновациянинг ижтимоий борлиқни ўзгартириш ва такомиллаштириш, янгиланишнинг имманент қонуниятларини аниқлаш долзарб вазифага айланмоқда. Шу нуқтаи назардан инновацияни инсоннинг янгилик излашга оид фундаментал хусусиятидан келиб чиқиб тавсифлаш, инсон амалий эмпирик фаолияти ифодаси эканлигини асослаш ҳамда янги инновацион муҳитни шакллантиришда интеллектуал ёшларни тарбиялашнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини барқарор ривожлантириш, инновацион ғоя ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имкониятларини кенгайтиришга оид ислоҳотлар самарали амалга оширилмоқда ҳамда фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Биз ўз олдимизга Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация орқали эриша оламиз. Бунинг учун, аввало, ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини ошириш, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаол, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш концепциясини амалга оширишда ва янги инновацион муҳитни шакллантиришда инсон омили ролини ошириш, интеллектуал ва креатив фаол ёшларни тарбиялашга тўсиқ бўлувчи маънавий-руҳий омилларни бартараф этиш муаммоларининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини асослаб бериш муҳим аҳамият эга бўлмоқда.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б. 23.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894-сон “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илм-фанида инновация инсон маънавий ва интеллектуал камолоти белгиси сифатидаги муаммолар Р. Декарт, Э. Роттердамский, Т. Компанелли, Н. Макиавелли, Ф. Бэкон, Т. Мор<sup>2</sup> тадқиқотларида намоён бўлади. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши, илмий-техник кашфиётларнинг инсон фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши каби муносабатлар Й. Шумпетер, Р. Аккоф, Р. Барр, В. Блюменталл, О. Бель, К. Поппер, М. Портер, С. Соломон, Э. Тофлер, П. Фейербенд, Р. Эшби<sup>3</sup> илмий-фалсафий изланишларида тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари В. Автономов, Л. Головач, Ю. Яковец, Д. Кокурин, И. Макарова, Д. Сахал, Н. Чайковская, С. Шевченко<sup>4</sup>

<sup>2</sup> Декарт Р. Рассуждение о методе, чтобы верно направлять свой разум и отыскивать истину в науках и другие философские работы / Пер. с лат., М.: Академический проект, 2011. 335 с.; Эразм Роттердамский. Философские произведения / Пер. и коммент. Ю. М. Каган. — М.: Наука, 1986. — 704 с.; Мор, Бэкон, Кампанелла: Классическая утопия / Редактор: Булгакова Е. — М.: Издательство: АСТ, 2019 г. — 448 с.; Макиавелли Н. Избранные сочинения., М, Художественная литература, 1982, С. 364.;

<sup>3</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. — Москва: Экономика, 1982. — С.190; Поппер К. Открытое общество и его враги. — Москва: Культурная инициатива. 1992. — С. 448; Портер М. Международная конкуренция. — Москва: Наука, 1993. — С.896;

<sup>4</sup>Автономов В.С. Человек в зеркале экономической теории. — Москва: РАН ИМЭ, Наука, 1993. — С. 176; Головач Л.Г., Краюхин Г.А., Шайбакова Л.Ф. Регулирование инновационных процессов в регионе. — СПб.: Питер, 1997. — С. 239; Яковец Ю.В. История цивилизаций. - Москва: Гуманитар. Изд. Центр ВЛАДОС, 1997. — С. 191; Кокурин Д.И. Инновационная деятельность. — Москва, Экзамен, 2001. — С. 106-110; Макарова И.В. Предпринимательство: стимулирование инновационного поведения: - Екатеринбург: АССА, 1997. — С.

тадқиқотларида инновациянинг замонавий хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилганлигини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда М. Шарифхўжаев, С. Ғуломов, Ш. Эргашхўжаева, Х. Одилқориев, В. Алимасов, И. Эргашев, М. Хажиева, С. Норқулов, М. Атауллаев, А. Саитқосимов, А. Бегматов<sup>5</sup> каби олимлар томонидан инновация ва инновацион фаолиятнинг айрим қирралари тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг илмий изланишлари алоҳида эътиборга молик бўлса-да, бироқ Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, жамият тараққиётини таъминлашда инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш, ушбу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш прагматик сиёсат нуқтаи назаридан тадқиқ этиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшлар маънавий қиёфасини юксалтиришнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий муаммоларини ўрганиш” (2017-2021 йй) йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инновациянинг илмий ғносеологик ва амалий эмпирик воқелик, ижтимоий тараққиётга йўналтирилган янгиланишларни ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан очиб беришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инновация тушунчасининг мазмун-моҳияти ва сциентив талқинини очиб бериш;

инновациянинг ғносеологик ва ижтимоий-фалсафий асосларини тадқиқ этиш;

инновациянинг ижтимоий-маданий, илмий-техник ва креатив фаолият сифатидаги функционал таҳлилин асослаб бериш;

инновация ва ижтимоий муносабатлардаги парадигмал ўзгаришларнинг асосларини аниқлаш;

---

45; Sahal D. Patterns of Next-Generation Innovation. London: Addison Wesley, 1981. –P. 381; Чайковская Н.В. Дисциплина инновационного рынка: формирование и эффективность. - Москва: Луч, 1995. – С. 143; Шевченко С.М. Стратегия инновационного развития предприятия. Учебное пособие. – СПб.: ГУЭФ, 1998. – С. 139;

<sup>5</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 10-11; Гулямов С.С., Очиллов И.С., Ганиходжаев С.О. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш ва барқарор ривожланиш омиллари. Билимга таянган инновацион тараққиёт. – Тошкент: Фан ва технологиялар”, 2016. – Б. 136; Эргашходжаева Ш.Д. Инновацион маркетинг. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2013. – Б. 10-11; Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрлар. Монография. - Тошкент: SMI ASIA, 2010. – Б. 76; Алимасов В. Инновация фалсафаси: илмий техник тафаккур ва креатив фаолият захиралари “Ишонч” газ., 2019. 28 октябрь; Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. Тошкент: Академия, 2000. – Б. 29; Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. Монография. – Тошкент: Наврўз, 2015. – Б. 178; Атауллаев М. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий кадрларнинг ўрни (фалсафий ҳуқуқий жиҳатлар). Монография. – Тошкент: Университет, 2017. – Б. 49-52. Саитқосимов А. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари. Фалсафа фанлари доктори (dsc) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019. – Б. 5.; Бегматов А. Инновацион онг: моҳияти, функциялари ва шаклланиш шартлари.-- Тошкент: Фан, 2016

инновацион фаолият ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар: янгиланишнинг долзарблашуви масаласини тадқиқ этиш;

инвестиция ва инновацион тараққиётнинг ижтимоий детерминантларини мантикий жиҳатдан асослаш;

Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш концепциясининг фалсафий моҳиятини очиб бериш;

инновацион ва инвестицион муҳитнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини илмий-назарий асослаш;

ёшларда инновацион интеллект ва креатив фаолликни ошириш масалаларини бугунги кун нуқтаи назаридан долзарблигини асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инновацион фаолиятнинг илмий сциентив ва амалий эмпирик жиҳатлари ҳамда жамият ҳаётининг янгиланиш хусусиятлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ўзбекистонда кечаётган инновацион ўзгаришлар, инновацион ва модернизацион жараёнларнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ретроспектив ёндашув, этимологик таҳлил, тизимли функционал таҳлил, комплекс ёндашув, анализ ва синтез, социодинамик ёндашув каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

инновация инсоннинг бир томондан, янгилик излашга оид фундаментал хусусиятидан келиб чиқадиган илмий гносеологик қизиқиши ва, иккинчи томондан, ижтимоий борлиқни такомиллаштиришга қаратилган амалий эмпирик фаолияти ифодаси эканлиги асосланган;

инновациянинг сциентив ва ижтимоий маданий моҳияти жамият, социум ҳаётини илмий-технологик такомиллаштиришга, анъанавий иш усуллари янгилашга хизмат қилувчи ғоя, кашфиёт, ишланмалар экани, ижтимоий тараққиётнинг инновацияга қурилаётгани тасдиқланган;

инновацион фаолиятнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, жараён, маркетинг, ташкилий инновациялар каби иқтисодий ва илмий-техник, инсон омилининг ролини ошириш, ижтимоий-психологик тўсиқларни бартараф этиш, ижтимоий амалиётда янгиликларни яратиш ва жорий этиш каби ижтимоий-фалсафий йўналишлари такомиллаштирилган ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқли воқелик, феномен сифатидаги хусусиятлари фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш концепциясини амалга ошириш ҳамда янги инновацион муҳитни шакллантиришда интеллектуал ва креатив фаол ёшларни тарбиялаш (қурилма ва лойиҳаларда иштирок этувчиларнинг одоб-ахлоқ нормалари, ментал хусусиятларни ҳисобга олиш, инновацион қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантириш, маънавий-маърифий, ижтимоий-психологик, техник ва технологик талабларга мос кадрлар тайёрлаш)га оид ечимлар фалсафий жиҳатдан такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда инновациянинг янги ижтимоий ғоя, илмий техник ва технологик ишланмалар, инсон, жамият тараққиётига таъсир этувчи, эски иш усуллари янгилашга қаратилган изланишлар экани очиқ берилган;

тадқиқотда инновацион ва инвестицион муҳитнинг ижтимоий амалий аҳамияти кўрсатилган, жамият ҳаёти соҳаларини янгилашга қаратилган илмий техник ва технологик ишланмаларни амалиётга жорий этишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

тадқиқотнинг илмий хулосалари ва натижаларидан дарсликлар, ўқув қўлланмалар, республика марказий телевидениеларидаги телекўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг Ўзбекистонда “Инновациялар учун ҳамкорлик” дастурини амалга оширишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот жараёнида муаммонинг аниқ қўйилганлиги, замонавий ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, тадқиқот давомида бевосита муаммога дахлдор бўлган манбалардан фойдаланилганлиги ва ишончли далиллардан олинганлиги, концептуал ва илмий асосга эга хулоса, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани ҳамда таълим жараёнида қўрилган натижаларни қафолатлай олганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий-услубий хулосалар ва амалий тавсиялардан инновацияга оид назария ва унинг илмий-методологик асослари, инновациянинг мазмун-моҳияти ва сциентив талқинлари, ёшларда инновацион интеллект ва креатив фаолликни ошириш масалалари таҳлилида назарий ҳисса қўшиши, инновацион ва инвестицион муҳитнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларига оид назарий-услубий асосларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ тараққиёт дастурлари, давлат ва жамият қурилишинини ислоҳ қилиш, модернизация қилиш бўйича инновацион ғояларни ишлаб чиқиш, халқимизнинг инновацион тафаккурини юксалтириш, ёшлар ижтимоий онгида замонавий ўзгаришларга бўлган интилишларни янада кучайтириш, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг дастурларини тузишда, маънавий-маърифий тарғибот тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инновация фалсафаси ва унинг илмий методологик асосларига оид илмий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар асосида:

инновация инсоннинг бир томондан, янгилик излашга оид фундаментал хусусиятидан келиб чиқадиган илмий ғносеологик қизиқиши ва, иккинчи томондан, ижтимоий борлиқни такомиллаштиришга қаратилган амалий

эмпирик фаолияти ифодаси эканлигига оид назарий умумлашма ва хулосалардан ПЗ-201709202-рақамли “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзудаги (2017-2019 йй) амалий лойиҳада фойдаланилган (Урганч давлат университетининг 2021 йил 16 августдаги 03-184/28-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг инновацион тафаккурини бойитиш, инновацион фаолиятга йўналтириш, тадбиркорлик фаолиятига қизиқишларини, ҳалол меҳнат ҳамда ризқ ҳақидаги дунёқараши, кўникмаларини шакллантириш ва кучайтиришга хизмат қилган;

инновациянинг сциентив ва ижтимоий маданий моҳияти жамият, социум ҳаётини илмий-технологик такомиллаштиришга, анъанавий иш усулларини янгилашга хизмат қилувчи ғоя, кашфиёт, ишланмалар экани, ижтимоий тараққиётнинг инновацияга қурилаётганига оид илмий умумлашмалардан “Глобаллашув асослари” (2020 й) номли дарсликнинг “Глобаллашушиг миллий ривожланишга ўтказётган таъсири ва унинг оқибатлари”, “Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви ва миллий манфаатлар” ва “Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий негизлари” бўлимларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи ва 359-032-сон гувоҳномаси). Натижада, чоп этилган дарсликни илмий жиҳатдан такомиллаштиришга ва талаба-ёшларнинг Ўзбекистонда кечаётган инновацион ўзгаришлар, инновацион ва модернизацион жараёнларнинг белгилари, илмий-техник ва технологик янгилликларнинг аҳамияти хусусидаги илмий тафаккурини янада бойитишга хизмат қилган;

инновацион фаолиятнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, жараён, маркетинг, ташкилий инновациялар каби иқтисодий ва илмий-техник, инсон омилининг ролини ошириш, ижтимоий-психологик тўсиқларни бартараф этиш, ижтимоий амалиётда янгилликларни яратиш ва жорий этиш каби ижтимоий-фалсафий йўналишлари такомиллаштирилган ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқли воқелик, феномен сифатидаги хусусиятларига оид илмий хулоса ва амалий тавсиялардан “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг Ўзбекистонда “Инновациялар учун ҳамкорлик” дастурини амалга оширишда кенг фойдаланилган (“Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг 2021 йил 12 июлдаги 0790/21-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимиз ва ҳудудларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ давлат, соҳага оид ва ҳудудий дастурларни, давлат ва жамият қурилишини ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш бўйича инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ишларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш концепциясини амалга ошириш ҳамда янги инновацион муҳитни шакллантиришда интеллектуал ва креатив фаол ёшларни тарбиялаш муаммолари (қурилма ва лойиҳаларда иштирок этувчиларнинг одоб-ахлоқ нормалари; ментал хусусиятларни ҳисобга олиш; инновацион қобилиятларни шакллантириш ва

ривожлантириш; маънавий-маърифий, ижтимоий-психологик, техник ва технологик талабларга мос кадрлар тайёрлаш)га оид ечимларига оид хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телеканалининг “Мувафақият калити”, “XXI аср технологиялари”, “Юрт келажаги” телекурсувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Ёшлар телерадиоканалининг 2021 йил 27 майдаги 14-01-94-сон маълумотномаси). Натижада, халқнинг инновацион тафаккурини юксалтириш, ижтимоий креатив фаолликни ошириш, илмий-техник ва технологик янгиликларнинг аҳамиятини ёритиш ҳамда ёшлар ижтимоий онгида замонавий ўзгаришларга бўлган интилишларни янада кучайтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “**Инновация илмий ва ижтимоий-фалсафий тадқиқотлар объекти сифатида**” деб номланган. Ушбу бобда “инновация” тушунчасининг мазмун-моҳияти ва сциентив талқинлари тадқиқ этилган. Инновация янгилик олиб кириш деган маънони англатади, бироқ у фақат амалий, эмпирик фаолиятгина эмас, у назария, таълим, фалсафа сифатида ҳам келади. Инновация фалсафаси ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётга янгилик олиб киришнинг моҳиятини, бу янгиликнинг гносеологик масалаларини, илмий билишдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганади. Янгилик ва эскилик, новация ва традиция масалаларига оид концептуал ғояларни, назарияларни тадқиқ этади, инсоннинг янгиликка интилиб, янги нарсаларни ўрганиб яшашга бўлган интилишларини очиб беради.

Тадқиқотда инновация доимий тарзда имконият, салоҳият, яратиш, олиб кириш каби феноменлар билан боғлиқлиги, инновация шундай воқеликларни, феноменларни ижтимоий муносабатларга жорий этиш, тадбиқ қилишни англатиши ҳақида ҳам фикр билдирилади. Баъзан илмий адабиётларда уларни “потенция” ва “потенциал” тушунчаси билан ҳам ифода этишади. “Потенция” сўзини илм-фанга, фалсафага Арасту (Аристотель) олиб кирган. Унинг талқинига кўра, потенция “янги воқеликнинг вужудга келиши имкон”. Бу имкон ижтимоий борлиқда, реаллиқда доимий тарзда мавжуддир<sup>6</sup>.

Инновация моҳиятан онг, тафаккур тарзида гносеологик ҳодиса, унинг негизида инсоннинг билишга, англашга, идрок этишга бўлган интилиш ва қизиқишлари туради. Янгиликка интилиш ва қизиқиш инсонни илмий, ижодий ёки социал изланишларга ундайди. Платондан тортиб то Поппергача барча файласуфлар билишни “фалсафанинг оғриқли нуқтаси” деб аташади. Чунки Сукротнинг “ҳеч нарсани билмаслигимни билдим” деган хулосаси ҳали ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ<sup>7</sup>. Гап шундаки, инновация “билмаслигимни билдим” деган хулосага эмас, балки “билганимни ҳаётга жорий этаман” деган гносеологик принципга асосланади. “Инсон билимларининг ҳаммаси чекланган, ишончсиз ва аниқ эмас”<sup>8</sup>, аммо ушбу нисбий билимни инновация реал воқеликка айлантириши билан ижодий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертацияда инновация фалсафаси ижодий-амалий фаолиятни, изланишларни фалсафа илми нуқтаи-назаридан тадқиқ этиши, унинг умумий назарий ва концептуал масалаларини ўрганиши ҳақида сўз боради. Тадқиқотчи, ушбу масалаларни қуйидагича изоҳлаб ўтади:

биринчидан, инновация илмий-ижодий фаолият сифатида бошқа билиш жараёнларидан қайси белгилари билан фарқ қилади?;

иккинчидан, у фалсафа илмида янги йўналиш, оқим, таълимотми? Агар янги таълимот бўлса, унинг мақсад ва вазифалари, билиш усуллари, мавзулари нималардан иборат?;

учинчидан, инновация фалсафаси инсоннинг гносеологик изланишларига нималар беради, уларни қандай тажрибалар билан бойитади?;

тўртинчидан, ҳамма янгилик инновациями, илмий-техник ишланма ва кашфиётларнинг қайси жиҳатларини инновация деб аташ, билиш даркор?;

бешинчидан, янгиликка интилиш ижтимоий ҳаётнинг, тараққиётнинг атрибути, шундай экан инновация фалсафаси мазкур атрибутни қандай аниқлайди, қандай тасаввурлар, фаразлар ёки назарий моделларга мувофиқ, унинг инновация эканини очиб беради?;

олтинчидан, инновация фалсафасининг хусусий тадқиқот усуллари, категориялари, объектлари борми? Бор бўлса, уларнинг фалсафада, илмда ўрни қандай?;

<sup>6</sup> Аристотель. Сочинения в 4-х томах. Т.1. – Москва: Мысль 1975. – С. 108-112

<sup>7</sup> Голованова В.Г. Философия открытий и изобретений. – Тошкент: NOSHIR, 2013. – С. 88-89.

<sup>8</sup> Рассел Б. Человеческое познание. – Москва: Иностранная литература, 1957. – С. 540.

еттинчидан, инновация фалсафасида эмпиризм устунми ёки назария, уларни уйғунлаштириш, сингармоник ёндашувни қарор топтириш мумкинми? Бундай саволларни яна келтириш мумкин.

Ҳар бир илм соҳаси ўзининг имманент белгилари билан бошқа соҳалардан фарқ қилади. Инновация фалсафасининг илмий изланиш сифатидаги имманент белгиларига диссертант қуйидагиларни киритган:

- Эмпирик изланишларга асосланганлик ва ижтимоий ҳаёт, тараққиёт талабларига таянганлик;

- Ижтимоий борлиқ эҳтиёжларидан мавзу қидириш ва унинг гносеологик аҳамиятини очиб бериш;

- Реал борлиқнинг идеал борлиқ даражасига кўтариш йўлларини излаш ва асослаш;

- Инновацион ғоя, ишланма ва кашфиётлардаги гуманистик моҳиятни топиш, уларни ижтимоий тараққиётга зарурлиги концепция сифатида ишлаб чиқиш кабилар.

Энг муҳими, инновация фалсафаси илмий, ижодий ва социал изланишларни оддий фаолият турларидан фарқлаб беради, инновацион изланишларга гуманистик ва тараққиётпарварлик руҳини бахш этади.

Инновация фалсафасининг мақсади ва вазифалари янгилик, изланиш ва ижод қилишга қаратилган фаолиятнинг хусусиятлари белгилаб беради. Бу мақсад ва вазифалар турлича бўлиши табиий ҳол, аммо улар доимий тарзда анъанавий ёндашувларга, тартиблар ва қарашларга янгилик олиб киришга қаратилган фаолият турини, ғоялар ва ёндашишларни тадқиқ этади. Инновация фалсафаси моҳиятан гносеологик воқелик, яъни инсоннинг билишга, ўрганишга қаратилган сайъ-ҳаракатларини акс эттиради. Шундай экан, у гносеологияга ўз ҳиссасини қўшади, уни илмий, ижодий ва социал изланишларни ўрганишдан олган қарашлар, ёндашишлар ва тафсилотлар билан бойитади. Унинг гносеологик объекти – янгилик, янгиликни излашга қаратилган фаолият.

Ҳамма янгилик ҳам инновация бўла олмайди. Инновация анъанавий тасаввурларни, ёндашиш ва иш услубини ўзгартириши, янги элементлар билан бойитиши керак. Шу нуқтаи назардан инновациядаги радикализмни инкор этиш қийин. Традициализмни нима биландир ўзгартириш, бойитиш инновацион ғоялар, ишланмалар ва ёндашишларни вазифаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Инновациянинг ижтимоий муносабатлар ва жамият тараққиётига таъсири (социодинамик ёндашув)”** деб номланган. Мазкур бобда инновациянинг ижтимоий муносабатлар динамикасига таъсир этиб, ислоҳотларни парадигмал ҳодисаларга айлантираётгани, бу ўзгаришлар жамият тараққиётини реал воқелик сифатида шакллантираётгани очиб берилган. Ижтимоий муносабатларда маълум бир этнотажрибалар ва этностереотиплар мужассамлигини эсдан чиқариб бўлмайди. Халқ ҳаётига, турмуш тарзига тааллуқли ҳар қандай ижтимоий воқелик, шу жумладан, ижтимоий муносабатлар ҳам шундай этнотажрибалар ва этноанъаналарга асосланади.

Янгилик, инновация гоҳо ушбу тажриба ва анъаналарни рад этади, ўзининг ҳақлигини исботлаш учун бор кучини ва имкониятларини сарфлайди. Шунинг учун инсон ва социум ҳаётига оид этномаданий ҳодисаларни, артефактларни “объективлашган субъектив тасаввурлардан ажратиш жуда қийин”<sup>9</sup>. Янгилик, инновация ҳам гоҳо шундай вазиятга тушиб қолади, инновацион ғоянинг объективлашишини тез илғаш қийин. Ҳатто объективлашган инновацион ғоя ҳам шу заҳоти реал амалий натижа беравермайди. Илмий, тафаккурий изланишларга ҳам консерватизм хослигини, барча илм даргоҳлари ва уларда ишловчи ходимлар ҳам инновацион ғоядаги янгиликни илғай олмаслигини унутиб бўлмайди. Демак, инновацион изланишлар билан қарор топган, мавжуд этнотажрибалар ва этноанъаналар ўртасида қандайдир узвийлик мавжуд. Бу узвийликни биз этнопсихологизмда кўришимиз мумкин.

Диссертацияда инновация халқни, миллатни олға силжитиши, келажак томон интилиб яшашга ундаши зарурлиги ҳақида ҳам фикр билдирилади. Янгилик маълум бир муаммоларни ҳал этишга, эски усулларни янгилашга йўналтирилса-да, у ижтимоий муносабатларга таъсир қилиши орқали халқ, миллат ҳаётини олдинга силжитади. Демак, инновация халқ манфаатлари ва қизиқишларининг ифодаси бўлиб келади. Халқнинг, миллатнинг олға интилиб яшаши уларнинг манфаатлари ва қизиқишлари билан қанчалик боғлиқ бўлмасин, ички ҳаётда шундай нарсалар, этнопсихологик омиллар борки, уларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Масалан, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, моддий заруриятлар этнопсихологик омилларни ҳам ҳисобга олишга ундайди. Агар ўз ҳаётимиздан келиб чиқсак, бозор иқтисодиёти ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан қанча қарорлар чиқарилган, переференциялар берилётган, банк-молия тизими томонидан кредитлар ажратилаётган бўлса-да, аҳолининг аксарият қисми анъанавий иш, анъанавий ҳаёт ва яшаш тарзини давом эттирмоқда. Айрим шахсларгина рақобат бозорига кириб, таваккал қилиб тадбиркорлик билан шуғулланади. Ёшларни айниқса хотин-қизларимизни иш билан банд этиш муаммолигича қолмоқда. Буни оддийгина шарт-шароитларнинг етишмаслиги ёки кредитларнинг камлиги билан боғламаслик керак, умуман халқ, миллат психологиясидаги “борига шукур” қилиб яшаш одати борлигини унутиб бўлмайди. Тадқиқотда, инновациялар яратишнинг бошланғич халқаси инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи ва истиқболли тармоқ ҳамда соҳаларига жалб қилиши ҳақида ҳам сўз боради. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, пухта ўйланган инвестициялар сиёсати ва инвестицион фаолликсиз инновацион иқтисодиётга ўтиб бўлмайди. Инновацион ривожланишнинг барқарор иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигининг мантикий формуласини Инвестиция – Инновация – Иқтисодий ўсиш кўринишида ифодалаш мумкин”.

Дисертант ушбу бошланғич халқга қуйидагилар киритган:

---

<sup>9</sup> Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 28

1. Технологиялар соҳасида юқори даражада қўшимча қиймат келтирадиган ихтиро ва кашфиётлар қилиш.

2. Юксак самарадорликка эга бўлган техника, жиҳозлар ва бошқа воситаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш.

3. Ишлаб чиқариш амалиётидаги техника технологияларни такомиллаштириш.

4. Ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш, маҳсулотларни реализация қилиш ва инновацион фаолликни таъминлашга қаратилган усуллар ва тизим ишлаб чиқиш<sup>10</sup>.

Технологиялар соҳасида юқори даражада қўшимча қиймат келтирадиган ихтиро ва кашфиётлар қилиш осон эмас. Бозор конъюктураси янги-янги маҳсулотлар ва хизмат турларига эҳтиёж сезаётганида ҳар бир ихтиро ва кашфиёт инвестициялар киритишни бош мақсадлардан бири сифатида кун тартибига қўяди. Буни гоҳо илмий адабиётларда “инвестиция сиёсати” ёки “инвестицион стратегия” деб аташади. Демак, инвестиция фақат пул киритиш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эмас, у замонавий технологиялар ва кашфиётлар яратиш ҳамдир. Ижод фалсафасининг хусусиятлари ва имманент белгиларини ўрганган фалсафа фанлари доктори, профессор В.Г.Головонова илмий изланиш, ихтиро ва кашфиётлар қилиш мураккаб, ахлоқий ва эстетик жиҳатлар билан уйғун келувчи интеллектуал ва психологик омиллар маҳсули эканини таъкидлайди. Ижодкор бошқалардан “қўра олиш, ҳиссиётга ва мулоҳазаларга берилиш қобилияти билан фарқ қилади”. Ҳа, ижод қилишга инсон мияси, унинг ишлашга қобилияти таъсир этмай қолмайди. Осминоғлар 3 юрак ва 9 мияга эга, аммо улар инсон каби тафаккур қилолмайди, ихтиролар ярата олмайди. Шунингдек, ижод миядаги тўқималар сонига ва ҳаракатчанлигига ҳам боғлиқ эмас. Масалан, японлар мияси ўртача 1374 грамм, хитойликларники 1430 грамм, инглизларники 1456 грамм, французларники 1473 грамм, полинезийларники 1514 грамм, бурятларники 1524 грамм ва эскимосларники 1558 грамм келади. Аммо интеллект коэффиценти (IG) европаларникидан кўра хитойлик ва японларда юқори<sup>11</sup>. Демак, инсон мияси идрок этиш ва кўра олиш қобилиятига эга эканлигини ҳажми ёки оғирлиги билан эмас, балки маҳсулдорлиги, топқирлиги ва изланишларга мойиллиги билан тасдиқ этади. Шунинг учун ҳам Фарб инвесторлари дунё кезиб, миллати, эътиқоди ва келиб чиқишидан қатъий назар яратишга, кашфиётлар қилишга қодир, интеллектуал фаолиятга мойил кишиларни қидириб юришади, уларни ўзларига жалб этиб, зарур шароитлар яратиб беришади. Инновация миллат танламайди, у инвесторларни, таваккал қилиб, ихтироларга қодир шахсларни танлайди, қидиради. Шундай қобилият эгалари катта даромад, қиймат келтиришини улар яхши билишади. Тўғри, баъзан миллионлаб киритилган инвестиция ҳеч нима бермаслиги, бирор кашфиётга олиб келмаслиги ва

<sup>10</sup>Шадиева Г.М., Шакирова Ф.Б. Миллий инновацион тизимни ривожлантиришда инвестиция ва инновацияларнинг ўрни // Илм фан ва инновацион ривожланиш. – Тошкент, 2020. -№4. – Б. 12.

<sup>11</sup> Голованова В.Г. Философия открытий и изобретений. – Тошкент: Ношир, 2013. – С. 15.

даромад келтирмаслиги мумкин. Ижод, ихтиро қачон яқунланади, қандай ўзгаришларга олиб келади, киритилган инвестицияни қоплайдими ёки йўқми буни ҳеч ким билмайди, олдиндан прогноз қилолмайди. Бироқ бу инвестицияни бир умр бенаф сарфлашга, инвестиция ҳисобига фаровон яшашга асос бўлолмайди.

Диссертациянинг учинчи боби, **“Ўзбекистонда инновацион ривожланиш: миллий тажрибалар, муаммолар ва ечимлар”** деб номланади. Мазкур бобда инновацион ривожланишнинг Ўзбекистон миллий тажрибаси тадқиқ этилади. Ривожланишнинг янги босқичига ўтган Ўзбекистон учун инновация ва модернизация, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига замонавий бошқариш ва технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бобда Янги Ўзбекистонда инновацион ва инвестицион муҳит, унинг инновацион ривожланиш миллий концепциясидаги ўрни, ички ва ташқи инвестицияларнинг аҳамияти каби масалалар тадқиқ этилади. Бугун Ўзбекистондаги инновацион ўзгаришлар “комплекс жараён” сифатида намоён бўлмоқда, уларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ошиб, Республикани тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Миллий концепцияда инновацион ривожланишнинг стратегик мақсади ва вазифалари мужассам, бобда ана шу мақсад ва вазифаларнинг ижтимоий онга, янгилик яратиш яшашга, илмий-техник ижодга, интеллектуал бойликлар яратиш билан узвий боғлиқ экани очиб берилади.

Диссертацияда ёшларда инновацион интеллект ва ижтимоий креатив фаолликни ошириш масалалари ҳам ижтимоий фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Инновация, инновацион интеллект ва ёшлар ўртасидаги диалектик боғлиқлик таълим, илм-фан, тафаккур, илмий-техник ижод, ижтимоий фаоллик каби соҳалар билан уйғун қаралганида муаммолар ва уларга ечимлар топилади. Ёшларни тарбиялаш фақат дидактик усуллар билан амалга оширилмайди, уларда ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини тарбиялаш, яратиш яшаш иштиёқини уйғотиш, илмий-техник ижодга, интеллектуал изланишга ўргатиш ва ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш замонавий ёндашувлардандир.

